



Жорий йилнинг 15 декабр куни Козон марказида биринчи халол супермаркет очилади. Бу хақида “Бахетле” номли козон озик-овкат ритейлери маълум килди. Халол супермаркетнинг умумий майдони 2000 кв.м.ни ташкил килади.

Супермаркет очилиши хақида 2013 йилнинг бошида хабар килинганди. “Бахетли” сайтида маълум килинишича, бу ерда Ислом шариати талабларига жавоб берувчи кундалик эhtiёжларни кондирувчи махсулотлар сотилади. Бу лойиханинг муваффакиятли чиқишига умид килинмоқда. Сабаби бу супермаркет шаҳар марказида жойлашади ва у Козондаги шариат талабларига жавоб берувчи биринчи савдо мажмуаси бўлади. Республиканинг “Халол” стандарти бўйича кўмита рахбари ўринбосари Ирека Зиганшина сўзларига кўра, “Бахетле” ўз махсулотлари халқаро “халол” стандартига жавоб бериши хақида муфтиятдан сертификат олади.